Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 252 (6. 143) ◉ 1986 йил 1 ноябрь, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

## ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАБ

**«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсозлик-штамплаш цехи фрезерчиси Виктор Долгов учинчи кварталдаги иш якуни бўйича СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналари ишчилари орасидаги «Ўз касбининг устаси» юксак унвонига эга бўлди. Унинг трактор заводида меҳнат қилаётганига 16 йил бўлди. Ҳозир у олтинчи разрядли фрезерчи. Аммо Н. Эмурсалиев бошлиқ комплекс бригадада ишлаш пармаловчилик, слесарлик каби ўхшаш касбларни ўрганишни тақозо этди. Виктор Николаевич қандай ишга қўл урмасин ҳаммасини соз бажаради. Барча маҳсулотни биринчи тақдимда топширади Смена топшириқларини эса мунтазам 110—115 процентга етказиб адо этади.**

**Н. Эмурсалиев бошлиқ бригада «Меҳнат интизомига — коллектив кафолати» ташаббусини бошлаб берган. Бундан ташқари сифатнинг бригада белгисига эга бўлиш, бутун маҳсулотни техника контроли бўлимига кўрсатмай топшириш ҳуқуқи учун курашаяпти. Бу курашда Виктор Николаевич барча ҳамкасбларига намуна бўляпти. Штамп дейилганда одатда ўзгармас нарса тушунилади. Бироқ, Виктор Николаевич бу масалага бошқача қаради. Яқинда у штамп конструкциясини яхшилаш бўйича навбатдаги рационализаторлик таклифини киритди. Бу бригадага талайгина металлни тежаб қолиш имконини беради.**

**Л. МУЛЮКИНА.**

Жадаллаштириш йўлидан

# ҚУРИЛИШНИНГ ЖОНКУЯРИ БЎЛАЙЛИК

### 18-«Мособлсельстрой» трестининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган коллектив пудратидаги иш тажрибасини қўллаб-қувватлаймиз

Коллектив пудратида меҳнат қилишга ўтган 18-«Мособлсельстрой» тресги ишчилари ташаббусининг моҳияти катта. Н. И. Травкин бошчилигидаги ушбу коллективнинг иш тажрибаси КПСС Марказий Комитети томонидан маъқуллангани бежиз эмас. Чунки коллектив пудрати ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширди, ёшларни, истиқболли мутахассисларни ишнинг олдинги участкаларига чиқарди.

Тошкент метроси — бу юқори даражада механизациялашган, замонавий қурилиш технологияси, мамлакатимизда ва ҳорижий метросозликда тўпланган энг яхши тажрибалар кенг жорий этилаётган қурилишгина эмас, балки ўз иш методларини таркиб топтираётган қурилишдир. Булардан бири бутун 2-қурилиш-монтаж бошқармаси шу йилнинг 1 январидан бошлаб коллектив пудратга ўтганлигидир.

Бригада пудрати мамлакатимизда анча вақтдан бери амалда қўлланилмоқда. Бироқ бутун бир бошқарма миқёсида бизда ҳали бу усул жорий этилмаган эди. Трест раҳбарлиги ёш, ташаббускор инженерлар В. П. Клюшин ва А. П. Прусга метросозликда биринчи бўлиб, москваликларнинг тажрибасини синаб кўришни ишониб топширди. Станциялар оралиғидаги туннел ва «Сельмаш» станциясини қуриш пайтида истиқболли методнинг барча ижодий томонлари намоён бўлди. Айни пайтда ишдаги, меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар кўриниб қолди.

— Ишнинг энг мураккаб участкасига Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери коммунист Георгий Борисович Люстернинг бригадаси юборилди. — дея ҳикоя қилади «Ташметрострой» партия комитетининг секретари Ҳакимжон Алиевич Мусаев.— Бригада аъзолари виждонан, жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Бетончилар, арматурачилар бригадалари, механизация бошқармасидан экскаватор ва кранларнинг машинистлари, автобаза ҳайдовчилари ҳам пировард натижадан манфаатдор эканликларини намойиш қилишди. 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективининг иш тажрибаси СССР «Главтоннельметрострой» системасида биринчи бўлиб, 1987 йилда бутун «Ташметрострой» трестини коллектив пудратига ўтказишда ҳисобга олинади.

— Одамлар масъулиятни ҳис эта бошлашди, — дейди бригадир Георгий Люстер, — чунки, кимки бирор ишини пала-партиш бажарса брак учун барибир жавоб беришига тўғри келади. Биз пухтароқ ишлай бошладик. Интизом мустаҳкамланмоқда, материалларни сақлаш ва сарфлаш яхшиланмоқда. Электр энергияси ва ёқилғи ресурслари тежалмоқда. Ҳар бир киши ўзининг маоши умумий ишга қўшган ҳиссасига мувофиқ бўлишини ҳис этмоқда.

Объектларнинг инженерлик тайёргарлигини таъминловчи инженер-техник ходимлар ҳам ишчилар билан бир қаторда пудрат асосида ишлашяпти. Дангасалар, афсуски, ҳали ҳам бор. Улар энди дуруст ишлай бошлашди ёки бригададан кетишди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси бизни янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Партия биздан, коммунистлардан, комсомоллардан виждонан ишлашни талаб қилмоқда. Ҳар бир киши ўз виждони ва халқ олдида масъулиятни ҳис этиши керак. Михаил Сергеевич Горбачев айтганидек, жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш жараёнидан ҳеч ким четда қололмайди ва қолмаслиги ҳам керак. Биз режалаштирилган барча ишларни ўз муддатида, сифатли бажаришга эришмоғимиз керак. Бу ҳар бир пок виждонли кишининг бурчидир.

«Сельмаш» ва «Чкалов» станцияларида жадал иш олиб борилмоқда. Т. Абдиев бригадаси арматурани ўз вақтида етказиб беряпти. Механизация бошқармасидан В. Ким бошчилигидаги бригада аъзолари, В. Павленко, бригадаси ҳайдовчилари, 1-СМУдан С. Вишеславцев етакчилигидаги лаҳмчилар, шунингдек кранчилар, экскаваторчилар жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти.

Олдимизда Ўзбекистон линияси иккинчи навбатини қуриш бўйича қизғин ишлар турибди. Ҳар биримиз янги станциялар ишга туширилганида Тошкент метросози сифатида фахрланамиз ва айни пайтда юксак масъулиятни ҳис этамиз. Ҳар бир станциянинг ишга туширилиши биз учун байрам. Биз Ўзбекистон линиясининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилишини яқинлаштириш учун барча ишларни қиламиз.

**С. АШИРОВ,**
**«Ташметрострой» тресги механизация бошқармасининг электриги, бошқарма партия бюроси секретари.**

**РЕДАКЦИЯ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БЎЛИМИНИНГ ШАРҲИ:**

«Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Ду**дин шу йилнинг июль ойида бош бошқарма бўлинмаларидан бири шу йил учинчи квартал мобайнида коллектив пудратга ўтказилиши ҳақида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюро аъзоларини ишонтирган эди. Афсуски, ушбу ваъда қисман бажарилганча қолди холос— бугунги кунда ер қазиш техникасининг фақат битта участкаси меҳнатни ташкил этишнинг янги формасида ишлаяпти.**

Ваҳоланки, «Главташкентстрой» респуб**лика пойтахтидаги асосий ва энг қудратли пудратчи қурилиш ташкилотидир. Шундай** экан, белгиланган режани амалга ошириш**га зудлик билан киришмоқ даркор. Айни пайтда коллектив пудратни қоғоздагина ва бошқа бўлинмаларга зиён етказиб эмас, балки давр тақозо этганидек, самарали ва пухта жорий этмоқ зарур. Ишлар** «Правда» газетасининг 1986 йил 31 октябрь сонида босилган, 18-«Мособлсельстрой» **трестининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган коллектив пудратдаги иш тажрибаси ҳамда тошкентлик метросозларнинг иш тажрибаси асосида ташкил этилмоғи керак.**





# ФАН ФИДОЙИСИ

**«Нина билан қудуқ қазимоқ» деган ибора кўпинча илм-фан кишиларининг сермашаққат меҳнатига ишора тарзида айтилади. Ҳаётда инсон боласининг яшаши учун зарур бўлган кўпдан-кўп нарсалар ақл-заковат шарофати, илм-фаннинг саховати, ҳазрати ишчининг меҳнати билан яратилади. Зукко олимларимиз фан-техникани жадаллаштириш, уни инсон меҳнатининг биринчи ёрдамчисига айлантириш учун «нина билан қудуқ қазигандек» ақл-заковат билан ихтиролар, кашфиётлар, янгиликлар яратиб, халқ хўжалигини юксалтиришга тадбиқ қилишмоқда. Ана шу забардаст олимларимиз қаторида ажойиб математик Тожибой Бўриев ҳам ижод нашъасини суриб келаяпти.**

**Олимнинг эзгу ва машаққатли меҳнати яхши самара бермоқда. У «Кибернетика» республика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Автоматлаштирилган лойиҳалаштириш системасини алгоритмлаш лабораторияси мудирлигини бажариш билан бирга, ўзи ҳам янги ихтиролар яратяпти. Олим қўллаган янги схема туфайли «Кисловодск» типидаги катта узунликдаги оддий стерженли конструкцияларни лойиҳалашда анчагина металл иқтисод қилинди. Ўзига хос конструкторлик ечими ҳисобига лойиҳалаш учун сарфланадиган вақт бир неча юз марта қисқарди, шу билан бирга ҳисоб-китоб учун бўлажак сарф-ҳаражатлар кескин камайди.**

**Тожибой Бўриевнинг ихтироларидан бир намуна ана шу. У 1971 йилда яхлит восиқталар механикаси вазифаларини алгоритмлаш соҳасидаги изланишлари учун Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Сермаҳсул ва фидокор олимнинг кўплаб шогирдлар етиштириши, фан-техникани жадаллаштириш борасида тинмай жон куйдириши— унинг ғайрат-шижоатига қанот бағишлаб келмоқда.**

**Ҳар қандай олимнинг юксак фазилати — камтарлиги, одамийлиги, илм-фан йўлида фидойилиги билан белгиланади — унда ана шу хислатлар бор. Илм-фан кишисини мана шу фазилатлар ва халқига бўлган меҳр-муҳаббати камолотга эриштиради.**

**Т. РАСУЛЕВ.**

**СУРАТДА:** физика-математика фанлари доктори, профессор Тожибой Бўриев.

В. Дубровский фотоси.

# Оқшомхон истаклари

### Газета саҳифаларини биргаликда тайёрлаймиз

### № 1

**Бугундан биз азиз оқшомхонларнинг билдирган таклиф ва истаклари асосида тайёрланган газета сонларини улар диққатига ҳавола этиб борамиз.** Маълумки, шу йил 4 октябрь куни редакцияда ўтказилган катта кенгаш чоғида оқшомхонларнинг таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда бутун бир сон материалларини эълон қилишга келишиб олган эдик. Ўшанда «Оқшом» мухлислари ўзларини тўлқинлантирган масалалар бўйича газетанинг навбатдаги шанба сонида материаллар эълон қилишни илтимос этишган эди. Бу сон шу йилнинг 11 октябрида тайёрланди.

**Бундан буён эса ҳар ойнинг биринчи шанба куни чиқадиган газета сонлари оқшомхонларнинг таклиф ва истаклари инобатга олинган ҳолда режалаштирилади.**

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ноябрь ойининг биринчи шанбасида сизларнинг таклиф ва истакларингиз бўйича тайёрланган сонни бугун диққатингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ушбу сонда газетхонларнинг таклиф ва истакларига кўра тайёрланган қуйидаги материалларни ўқийсиз:

◉ Газетхон Р. Бозоров шаҳримиз орасталигини ўйлаб бу борада ҳиммат кўрсатиб ишлаётган оддий касб эгалари тўғрисида лавҳалар беришимизни илтимос қилган. **Журналист Р. Халилованинг «Гўзаллик посбони» сарлавҳали лавҳаси** шу газетхон илтимосига биноан тайёрланди.

◉ Ҳозирги пайтда бутун мамлакатимиз, республикамиз, шаҳримизда меҳнатсиз даромад топувчиларга қарши муросасиз кураш олиб бориляпти. Оқшомхонлардан ишчи Б. Ражабов, студент Н. Каримов, уй бекаси М. Эгамовалар ўз хатларида айрим проводникларнинг ножўя қилмишлари тўғрисида афсусланиб ёзишиб, шу ҳақда газета саҳифасида мақолалар эълон қилинишини сўрашган. **Тошкент транспорт прокурори А. Хўжахонов ва газета мухбири Т. Тошевнинг «Бели оғримаганлар» сарлавҳали танқидий мақоласида** Тошкент темир йўл бўлинмаси ва унинг 2-вагон депосида айрим хизматчилар чайқовчилик билан шуғулланаётганлиги фактларини очиб ташлаганлар.

◉ «Ҳаётда шундай кишилар борки, улар ўйламай-нетмай гапириб қўйиб фақат бошқанинг дилига озор беришдан ташқари ўзлари ҳам ноқулай аҳволга тушиб қоладилар, —деб ёзади ўз хатида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати Зикрилла Эгамбердиев. Газета саҳифасида ана шундай кимсалар ҳақида ибратли ҳикоятлар берсангиз». Газетамиз мухлисининг ана шу илтимоси инобатга олиниб **Х. Пўлатовнинг «Башарасига тушди» сарлавҳали мақоласи** эълон қилинди.

◉ Бир группа интермедия ва кулги ишқибозлари Т. Ҳакимов, Д. Собирова, М. Неъматоваларнинг истакларига биноан Т. Унабоевнинг «Илтимос» сарлавҳали интермедияси, чет эл юморлари, шунингдек, фарзандларимиз учун шеърлар ҳам эълон қилинди.

Қадрли оқшомхонлар! Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, газетанинг бугунги сонига ўхшаш сонларни режалаштиришда ҳар бирингиз иштирок этишингиз мумкин. Газета мавзуини таклиф этишингиз, ўз истакларингизни хат орқали ҳам йўллашингиз мумкин. Бунинг учун конвертга «Оқшомхон истаклари» деган белгини қўйишни унутманг.

Газетхонлар таклифи асосида тайёрланадиган навбатдаги сон келгуси ойнинг биринчи шанбасида, 6 декабрь куни чиқади. Янги, 1987 йилда бу янги анъана давом эттирилади.

**Шундай қилиб азиз дўстлар, биз сизларнинг таклиф ва истакларингизга мунтазирмиз.**



# Пахтакорга мададкормиз

**„ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА**

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Фарғона | 0,75 | 98,92 |
| Тошкент | 1,00 | 98,11 |
| Сурхондарё | 1,16 | 88,57 |
| Наманган | 1,03 | 87,66 |
| Сирдарё | 1,00 | 86,38 |
| ҚҚАССР | 1,00 | 82,88 |
| Хоразм | 0,81 | 78,49 |
| Андижон | 1,09 | 73,50 |
| Бухоро | 0,44 | 71,11 |
| Жиззах | 0,99 | 70,26 |
| Самарқанд | 1,13 | 67,24 |
| Навоий | 0,78 | 55,13 |
| Қашқадарё | 0,77 | 52,26 |
| Республика бўйича: | 0,92 | 78,31 |

## КАБЕЛСОЗЛАР КЎМАГИ

«Пахтакорлар билан ҳамнафасмиз, етиштирилган мўл-ҳосилни йиғиб-териб олишда уларга мададкормиз!» —«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи-хизматчилари ана шундай демоқдалар. Корхона коллективи ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўнлаб ишчи-хизматчиларни пахтазорларга йўллади.

Шу кунларда бирлашманинг 210 ишчи-хизматчиси Тошкент область Пскент районидаги Свердлов номли колхоз пахта далаларида колхозчиларга амалий ёрдам беряпти. Улар дастлабки кунлардан бошлабоқ терим суръатини бўшаштирмасликка аҳд қилдилар.

Мададкорлар бригадасига бирлашма бош директорининг ёрдамчиси Мираҳмад Бўронбоев етакчилик қилаяпти. Корхонанинг пахта штаби ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик кўрсатяпти. Ишчилар «оқ олтин» хирмонига бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ дурдона тўкишга ҳаракат қилмоқдалар.

## ТЎҚИМАЧИЛАР УЛУШИ

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи шу кунларда республикамизнинг «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишга яқиндан ёрдам бермоқда. Ўтган жума куни корхонанинг 66 ишчисидан ташкил топган бригада пойтахт областининг Янгийўл районига қарашли «Ленинизм» колхози далаларида пахта терди. Терима айниқса Пардозлаш фабрикасининг механика бўлими ишчилари Юсуф Шодиев, Собиржон Азимов, Илҳом Усмонов, Умид Азизовлар шижоат кўрсатиб, 70—80 килограммдан «оқ олтин» териб бригада хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Дам олиш куни тўқимачиларнинг 100 дан ортиқ вакили яна пахта теримига отланди.

**Б. ОРИПОВ.**



## ҲИММАТ

**Чиноз районидаги С. М. Киров номидаги колхоз пахтакорлари эришган ютуқларда пойтахтимиз Киров районидаги Гидрометеорология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош бошқармаси ходимлари ҳиссаси бор. Муассасанинг 200 га яқин ҳашарчиси «оқ олтин»нинг бир граммини ҳам қолдирмай териб олишда колхозчиларга яқиндан ёрдам бермоқда. Термида актив иштирок этаётганлар А. Мўминов, Е. Чеботарев, А. Занин, О. Черногорский, Э. Қодирова, О. Ҳасанова ва бошқалар ҳар куни 60—80 килограммдан «оқ олтин» термоқдалар. Колхоз бригада бошлиғи Бегмат ака Тилланазаров ҳашарчилардан беҳад миннатдор.**

**71 гектар ердан 35 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган меҳнатсевар бригада шу кунларда маррага яқинлашиб қолди.**

**М. МЎМИНОВ.**

СУРАТДА: тошкентлик илғор теримчилар Э. Қодирова ва З. Алиева.

## «Гулшан» клуби очилди

Яқинда Сергели районидаги 6-кутубхонада «Маданият» маҳалласи аёлларининг «Гулшан» клуби очилди.

Клубга асосан маҳалланинг энг актив жамоатчи аёллари аъзо бўлдилар. Булар У. Норхўжаева, М. Юсупова, С. Ҳақраева, Д. Жалилова, М. Мамадалиева, М. Назарова ва бошқалардир.

Клубни очишдан мақсад— маҳалла аёллари ўртасида коммунистик тарбия, илмий-атеистик, ахлоқ-одоб, оила-фарзанд тарбияси, кўчаларимиз тозалиги каби масалаларни тарғиб қилишдир. Кутубхонанинг оммавий ишларида бевосита иштирок этиш, китобхонларни кўпроқ кутубхонага жалб қилишга таъсир кўрсатиш клубимизнинг асосий вазифасидир.

Маҳалла аҳолиси ўртасида кўпроқ китобхонлар конференцияси, китоблар обзори, адабий кечалар, учрашувлар ўтказишда клуб активлари бевосита ёрдам кўрсатишни ва иштирок этишни планлаштирдилар.

Клубимизга «Гулшан» деб ном қўйдик. Бу бежиз эмас албатта. Чунки шоирларимиз аёлларни гулга қиёс қилишади. Улар ҳақида кўплаб шеърлар, ҳикоят ва ривоятлар ёзишган.

Шоирлар айтгандек маҳалламиз гулдек чирой очса, маданиятли маҳаллалардан бири бўлиб қолса ажаб эмас...

**М. ФОЗИЛОВА.**

Халқаро тинчлик йили

# ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

**БМТ эълон этган қуролсизланиш ҳаракатлари ҳафталиги Ўзбекистонда ҳам давом этмоқда. Меҳнат коллективларидаги митингларда республика ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларининг овози янграмоқда — миллион-миллион кишилар жаҳон империализмининг ялпи ҳарбий тайёргарликларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Митингларнинг қатнашчилари Совет Иттифоқининг ялпи ва тўла қуролсизланишни кўзловчи, Рейкьявикда олий даражада ўтказилган учрашув чоғида, М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқларида янги куч билан намоён бўлган тинчликсеварлик сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Минбарлардан Ер юзидаги кишиларга тинчлик учун, қуролсизланиш учун, ядро хавфига қарши курашни кучайтирайлик, деган даъват янграмоқда.**

**ТОШКЕНТ**

Тушлик танаффусда «Узбексельмаш» бирлашмасининг юзлаб ишчилари, инженерлари ва хизматчилари кўп кишилик митингга йиғилди. Электр пайвандчи М. Хабиров минбарга чиқиб, бундай деди:

— Совет кишилари учун «Тинчлик»дан салмоқлироқ сўз йўқ. Бу сўзда эртанги кунга, фарзандларимизнинг келажагига ишонч бор. Шунинг учун ҳам биз партия ва ҳукуматимизнинг уруш хавфини тугатишни кўзловчи ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Рейкьявикдаги музокаралар ким амалда тинчлик тарафдори-ю, ким тинчлик тўғрисидаги сўзлар билан хаспўшлаб «самовий урушлар» режаларини пишитиб юрганлигини очиқ-ойдин кўрсатди-қўйди. Лекин бировни алдамоқчи бўлганларнинг ўзлари алданиб қолишлари мумкин. Рейган маъмурияти қуролланиш пойгаси билан Совет Иттифоқининг силласини қуритмоқчи. Йўқ, бунга эриша олмайди. Халқимиз уруш учун ишлашни хоҳламайди, лекин биз ҳар қандай дағдағага муносиб жавоб бера оламиз. Меҳнатдаги янги зафарлар билан тинчлик сиёсатини қарор топтиришга ёрдам берамиз.

Бригадир Б. Арамбоев, йиғувчи-слесарь А. Юсуповнинг, Улуғ Ватан уруши ветерани Н. Ғоипов ва бошқаларнинг нутқлари замирида ҳам ана шу ҳис-туйғулар бор эди. Тўла ва ялпи қуролсизланиш — тинчликка олиб борувчи бирдан-бир йўлдир. Бу йўл тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принциплари асосида музокаралар столи теварагидан ўтмоғи керак.

Митинг қатнашчилари Совет Иттифоқининг тинчлик таклифларини қўллаб-қувватлаб, резолюция қабул қилдилар. Улар АҚШнинг авантюристик сиёсатига қарши қаҳр билан норозилик билдирдилар, Ватан қудратини мустаҳкамлашга меҳнат билан қўшиладиган ҳиссани кўпайтиришга ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!

Коммунист ўйлари

# ЎРНАК БЎЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси ҳар биримизни ишни янгича юритишга, мусобақада активлик кўрсатишга ундаяпти. Илғор коллективлар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга, бунда энг аввало техника тараққиётини ривожлантиришга, хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб сарфлашга интилмоқдалар. Бизнинг бадиий буюмлар фабрикамизда ҳам ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида кўнгилдагидек ютуқларга эришиш ҳаракати тобора кучайиб боряпти. Ҳар бир киши унга ўз муносиб ҳиссасини қўшишга интиляпти.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, кишида ўз касбига катта меҳр бўлиши керак. Собир Раҳимов районидаги 185-мактабда, А. Набиев номидаги пионерлар саройида тикувчиликни ўрганиб олганим, бу касбга ёшликданоқ меҳр қўйганим зое кетмаганлигини ҳис қиляпман. Фабриканинг экспериментал цехида мана етти йилдан бери муваффақиятли ишлаб келяпман. Ҳозир бригада етакчисиман.

Бизнинг бригадамизда ўн икки ишчи бор. Мурожаатнома чиққандан кейин ҳаммамиз тўпланиб, бунга жавобан амалий иш қилиш, мусобақада олдингилар сафига чиқиб олиш режасини туздик. Шундай қарорга келдикки, ҳар ойлик топшириқни муддатидан беш кун илгари бажаришга аҳд қилдик. Ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, шундай маррани белгиладик. Мусобақада конкретликка эришиш, меҳнат коллективлари, ҳар бир кишининг ўз зиммасига реал мажбуриятлар қабул қилиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасида таъкидланганидек, мусобақани барча расмиятчиликдан халос қилиш, унга илҳом, чинакам беллашув бахш этиш керак. Биз зиммамизга бирон мажбурият олганимизда, мусобақани ташкил этганимизда бунга амал қиляпмиз. Биргина биз эмас, балки фабрикамизда кўпчилик бригадалар, меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун сабот ва изчиллик билан курашмоқдалар. Ахир биз нимаики қилсак, ташаббус билан ишласак, қўлимиздан келганча янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқарсак, турмушимиз шунчалик фаровон бўлади. Айни пайтда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Бизда гулли чойшаб, пахта гулли дастурхон, сўзана, зардевол сингари халқимиз севиб харид қиладиган маҳсулотлар тайёрланади. Бу маҳсулотларни Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Айни пайтда муносиб ишчи ўринбосарлари ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишимиз керак. Ахир бир пайтлар бизга ҳам устозлар касб сирларини ўргатишган. Меҳнат унумдорлигини оширишда бажонидил кўмаклашишган. Мен ўзим фабрикамиз қошидаги ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Марҳабо Мансуровага касб сирларини қунт билан ўргатяпман. Биргина мен эмас, балки бошқа кўпгина тикувчилар ҳам ёшлардан ўз ёрдамини аяшмаяпти.

Меҳнат коллективлари олдига катта ва шарафли вазифалар қўйилган. Меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш, сифатда асло бошқалардан қолишмайдиган маҳсулотлар тайёрлаш ҳар биримизни ижодий изланишга, илғорлар тажрибасини муттасил ўрганишга, маҳоратимизни эса тобора ошириб боришга ундамоқда.

**М. АБДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг коммунистик меҳнат зарбдори.**



«Агропромремонт» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент тажриба ремонт механика заводининг мотор ремонти цехида ҳамиша меҳнат авжига чиқади. Бу цехда қудратли машиналарнинг «юраги» созланади. Цехнинг илғор слесарлари — коммунистик меҳнат зарбдорлари Толиб Йўлдошев ва Леонид Дмитриев бугунги бажарган ишларидан мамнун.

СУРАТДА: Т. Йўлдошев ва Л. Дмитриев.
М. Нуриддинов фотоси.

## ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

### АҲОЛИ МИННАТДОР

Маҳалланинг тинчи кўп жиҳатдан участка инспектори ишига боғлиқ. У ўз участкасида ишни оқилона ташкил этса, одамлар қалбига йўл топа билса, ҳуқуқ-тартибот бўйича тушунтириш ишларини яхши олиб борса кўзланган мақсадга эришилади. Бешқайрағоч массивидаги Акмал Икромов номли маҳаллада бу ишлар яхши йўлга қўйилган. Бунда участка инспектори Раҳматулла Шукуровнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Инспектор маҳаллага келгач одамлар билан яқиндан танишиб чиқди. Бугунги кунда у маҳалла каттакичигини беш қўлдек билади. Айниқса, унинг ёш ўсмирлар билан олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Буни кейинги пайтда маҳаллада ёшлар ўртасида жиноий ишларнинг мутлақ содир этилмаётганидан ҳам билса бўлади.

Инспектор ўз меҳнат фаолияти давомида майда ўғирликларни, босқинчиликларни очди, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортди. Маҳаллада ўтказилаётган тўйлар вақти тартибга тушди, беҳуда шовқин-суронларга, ичкиликларга барҳам берилди.

Ўз касбини севувчи инспектордан маҳалла аҳли миннатдор бўлмоқда.

**Л. ҲАМИДОВ,**
**пенсионер.**

### ҚОИДАНИ БИЛМАСЛИК ОҚИБАТИ

Барча жамоат ташкилотлари ва органлари каби маҳалла комитетларининг ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчлари бор. Чунончи, Ўзбекистон ССР шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомга кўра иш юритилади. Жумладан, унда маҳалла комитетлари — гражданларга яшаб турган жойлари ҳақида, шаҳарларда кўп болали ва ёлғиз оналарнинг нафақа олишлари учун уларнинг қанча боласи борлиги ҳақида, иш жойига кўрсатиш учун қарамоқда неча киши борлиги тўғрисида учбурчакли печать билан тасдиқланган справкалар бериши кўзда тутилган.

Ана шу қоидани баъзи корхона ва ташкилотларнинг кадрлар бўлимларида ишлайдиганлар билмайдилар чамаси. Чунки, баъзи гражданлар маҳалла комитетига мурожаат этиб, турар жойдан бериладиган справкага қўшимча маълумотлар ёзиб беришни сўраётган ҳоллар бўляпти. Масалан, шу справкага «ишлайди» ёки «ишламайди» деб ёзиб беришни талаб қилишади. Баъзан, ишламаган даврлари учун эрлари ёки хотинлари қарамоғида бўлганликларини справкада акс эттиришни сўрашади. Бундан кўринадики, корхона ташкилотларнинг кадрлар бўлимлари қоидани яхши билмасликлари оқибатида ана шундай справкалар олиб келишни талаб қилишади.

Шуниси қизиқки, район ижроия комитетининг ишга жойлаш ҳақидаги йўлланмаси бўлганларни ва ҳатто бола тарбияси учун вақтинча ишдан бўшаб яна ишга кираётган аёлларни ҳам юқоридаги каби справкалар «олиб кел» деб сарсон қилишади. Масалан, «Миконд» ва чинни заводларига ишга кираётганлардан ана шундай справкалар талаб қилиш ҳоллари бўлиб турибди.

Ҳозир ҳамма жойда тартиб ва интизомга, тегишли қонунчилик талабларига қаттиқ риоя этилиши, одамларни сарсон қилиб қўймаслик тадбирлари кўриляпти. Корхона ва ташкилотларнинг кадрлар бўлимлари ходимлари ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартибига қатъий риоя этишлари керак. Бунинг учун меҳнат қонунчилиги талабларини билиб олишлари керак. Зеро, одамлар сарсон бўлиб юрмасин.

**Р. ИСМОИЛОВ,**
**Собир Раҳимов районидаги «Ленинчи» маҳалла комитетининг секретари.**

Ҳалол бўлсанг — иззат топасан

# Гўзаллик посбони

Байрам арафаси. Ҳамма уй бекалари ҳовли-жойларини, эшик олдиларини озода, саранжом-саришта қилиш фикрига тушиб қолди. Энди ҳаммаёқ мусаффо бўлса-ю, чиқинди супиринди, сабзавот пўчоғи бир чеккада уйилиб ётса, хонадонимиз ва кўчаларимиз ҳуснига доғ бўлиб туради. Айниқса кўп қаватли квартиралардаги чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаса, ҳеч иложи йўқ.

Тошкентдек азим шаҳарда неча юзлаб маҳалла, неча минглаб осмон-ўпар уй-жой бинолари бўлса, шуларнинг ҳаммасини чиннимоҳдек асрашда камтарину, камсуқум хизматчиларнинг ўрни катта. Ана шундай заҳматкашларнинг бири — Абдуваҳоб Зокиров ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ўн йилдан кўп вақтдан буён Октябрь районида жойлашган 5-«Автодормехбаза» машинасини эрта тонгда юргизиб, ўз ёрдамчиси Тўхта Турсунов билан бирга халқ хизматига шошилади. Уч маҳалла-ю, 12 ташкилотнинг озодалиги уларнинг зиммасида. Улар кирмайдиган кўча, уларнинг сигналини эшитмайдиган хонадон йўқ. Баъзи эшиклар ёнида турли идишларда чиқиндилар туради-ю аммо сигналга жавобан уйдан ҳеч ким чиқмайди. Эҳтимол ҳамма ишга, ўқишга кетгандир, пахтакорларга ҳашарга йўл олгандир, деган хаёл билан Абдуваҳоб ака ва Тўхта акалар бу идишларни ўзлари бўшатиб кетадилар. Кечқурун буни кўрган уй эгалари суюниб астойдил «раҳмат» деб қўядилар.

— Бизнинг мамлакатимизда ҳар бир касб ҳам шарафли эканига ўз тажрибамда ишонч ҳосил қилдим, — дейди Абдуваҳоб ака, — Ҳар бир маҳалла аҳли, ҳар бир хонадон соҳиби ва соҳибаси бизни ҳурмат билан кутиб олади, қилган меҳнатимизни қадрлайди, миннатдорчилик билдиради. Уларнинг раҳматини ўзимиз учун энг катта мукофот деб билиб, хурсанд бўламиз.

Абдуваҳоб ака билан Тўхта ака Ипакчи маҳалласида айниқса мақтаса, таҳсин айтса арзийдиган иш қилишди.

Гап шундаки, бу маҳалла Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Собир Раҳимов районлари билан Тошкент областининг Калинин районы оралиғида жойлашган. Ўртадан ўтадиган катта кўчанинг озодалиги уччала район коммунал хўжалиги ходимлари ўртасида сансалор бўлар, қаровсиз ётар эди. Шундан фойдаланган айрим кишилар кўчанинг ўртасидаги майдонга тўкаберган ахлатдан тепалик ҳосил бўлган эди. Бу ердаги антисанитария ҳолатидан маҳалла аҳли ранжий бошлади. Абдуваҳоб аканинг жонкуярлиги, ҳар бир хонадон эшигига бориб ахлатни кўчага ташлашнинг зарарини тушунтириб, бу ишга давлатимиз махсус машиналар ва хизматчилар ажратиб қўйганлигини тинимсиз гапириб, айрим ўжар кишиларни ҳатто изза қилганидан кейин, жамоатчиликнинг ёрдами билан аҳвол бутунлай ўзгарди. Ўша ахлатхона ташаббускор кишиларнинг ғайрати билан текисланиб кўкаламзорларга айлантирилди. Рўзғор чиқитлари эса мунтазам равишда олиб кетилмоқда.

Чиндан ҳам эл-юртга сидқидилдан хизмат қилган киши шунга яраша иззат-ҳурматга сазовор бўлаверади.

Гўзаллик посбонларига офарин!

**Р. ХАЛИЛОВА,**
**журналист.**

# Шу ҳам хизматми?

● Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида китоб билан савдо қилувчи магазин жойлашган. Ана шу магазинга кирдигу иккинчи бор кирмасликка аҳд қилдик.

Магазин илгари Шота Руставели, сўнгра Ленин проспектларида жойлашган вақтда унинг савдо майдони анча кенг, адабиётлар ассортименти ҳам жуда бой эди. Ҳозирчи?

Ҳозир тўрт киши кирса бешинчи киши ташқарида кутиб туришга мажбур. Китоблар ўтин тахлангандек устма-уст қалаштириб ташланган. Китобга шундай муносабатда бўлиш яхшими, ахир?

**А. ИМОМНАЗАРОВ,**
**хизматчи.**

● 0—65 телефонига қўнғироқ қилиб, «Химчистка»дан уста чақиртирган эдик. Улар иккита дорожка-гилам ва битта палосшолчани олиб кетиб, биз ишда бўлган вақтимизда «тозалаб» ташлаб кетишибди. Хизмат ҳақи ўқувчиларнинг бир чизиқ дафтарида ёзилишича 38 сўм 56 тийинни ташкил этибди.

Гилам ва палосларнинг доғи кетмаган бўлса улар қайси хизматлари учун ҳақ талаб қилишяпти? Иккинчидан наҳотки «Химчистка» идорасининг ўз расмий квитанцияси бўлмаса?

**Н. НУРМУҲАМЕДОВА,**
**Уйғур кўчаси, Ранний проезди, 1-тупик, 28-уй.**

● Газета ва журналларга обуна бўлишдан мақсад янгиликлардан тезроқ хабардор бўлишдир. Аммо биз 46-алоқа бўлимининг (бошлиғи Саакянц) ёмон хизмати туфайли обуна бўлган нашрларимизни ўз вақтида ололмаяпмиз. Бу ҳақда почтальонлардан тортиб бошлиққача, ҳамма билади. Лекин бирор чора-тадбир кўриб, обуначилар талаби қондирилмаяпти.

**А. МАЛИКОВ,**
**хизматчи.**

● Биз, бир гуруҳ мактаб ўқувчилари «Октябрь» бозоридаги кўп қаватли «Болалар дунёси» магазинига ўқув қуроллари харид қилгани кирдик. Бинонинг биринчи қаватида жойлашган бўлимга бориб ҳаммамиз дафтар, альбом ва шунга ўхшаш ўқув қуроллари сотиб олдик. Мен саккизта ўн саккиз тийинлик дафтар, иккита тўққиз тийинлик альбом олиб 5 сўм бердим. Сотувчи эса менга 1 сўм 50 тийин қайтим ва 10 та абонемент тутқазди.

— Опажон, қайтимини кам бермадингизми, бунинг устига абонемент керак эмас, — деган эдим; «Э қиз, чакагингни ўчир, кўпам маҳмадоналик қилаверма», — деб ўшқириб бердилар.

Мен ўз ҳақимни талаб қилиб наҳотки ҳақорат эшитсам...

**М. АБДУСАМАТОВА, Г. ҚОСИМБЕКОВА, З. ҚАЛАНДАРОВА, М. МИРЗАБОБОЕВА, ўқувчилар.**

## Бефайз ётоқхона

Биз Тошкент асбобсозлик заводининг 14-ётоқхонасида яшаймиз. Кейинги пайтларда бу ердаги камчилик ва нуқсонлар, яшаш учун дуруст шарт-шароит йўқлиги бизни ранжитаяпти. Масалан, гигиеник жиҳатдан инсонга ғоят зарур бўлган оддий душхонани олайлик. Бизнинг ётоқхонада яшаётганимизга тўрт йил бўлди. Шу вақт мобайнида душхона кўпи билан бир ой ишлади, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Ётоқхонада маданий-ҳордиқ чиқариш учун деярли ҳеч қандай шароит йўқ. Кишилар зерикканларидан нима қилишларини билмай ўтиришади.

КПСС XXVII съездида инсон омили ролини ошириш ҳақида жуда яхши гаплар айтилди. Инсон омили ролини ошириш биринчи навбатда унга меҳнат қилиш ва дам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш билан белгиланади. Шундай бўлгач, асбобсозлик заводи маъмурияти ётоқхонада кишиларнинг яхши яшаши, ҳордиқ чиқариши ҳақида озгина бўлса ҳам қайғуриши ҳам фарз, ҳам қарздир.

**14-ётоқхонада яшовчи ишчилар номидан:**

**Р. НУРМАТОВ,**
**Р. ҚОБИЛОВ,**
**М. ТОЖИМУРОДОВ,**
**М. КАРИМОВ.**

## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

### СОВЕТ ОЛИМЛАРИНИНГ АҚШГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

**НЬЮ-ЙОРК.** «Рейган маъмурияти ҳатто ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги кенг кўламли шартнома қоидалари бажарилишини текширишнинг мустаҳкам системаси намойиш қилинган тақдирда ҳам бундай шартнома қатнашчиси бўлишни асло истамаяпти», — деди табиий ресурсларни муҳофаза қилиш кенгашининг сейсмографлар бўйича бош геофизиги Томас Кохрэн журналистлар билан бу ерда сешанба куни бўлиб ўтган учрашувда.

У АҚШ давлат департаментининг ядро синовлари устидан контрол жорий этиш учун сейсмографик ускуналар ўрнатиладиган жойларни аниқлаш мақсадида Қўшма Штатларга келиши керак бўлган совет олимларига нисбатан камситувчи чораларни амалга оширганлиги тўғрисидаги хабарни ана шундай шарҳлади. Шу тўғридаги битимни табиий ресурсларни муҳофаза қилиш кенгаши билан СССР Фанлар академияси имзолаган эди. Мазкур битим доирасида июль ойида америкалик олимлар Қозоғистондаги совет ядро полигони районида махсус асбоб-ускуналар ўрнатган эдилар.

Сафар учун берилган рухсатнома шартларига кўра, деди Кохрэн, совет олимлари АҚШда бир ҳафтагина бўладилар, лекин уларга аппаратлар ўрнатиш учун таклиф этилган жойларга боришга рухсат берилмади. Кохрэн давлат департаменти қарорини қаттиқ танқид қилиб, «Американлик олимлар СССРда совет ҳамкасбларига АҚШда берилаётганига қараганда кўпроқ эркинликдан фойдаланган эдилар», деди. Масалан, АҚШлик сейсмологлардан бир группаси совет ядро полигони атрофидаги учта жойда ер сатҳи тебранишини қайд этадиган аппаратлар ўрнатган эдилар. Американлик олимларга жойлардаги аппаратлар ишини кузатишга ҳам рухсат берилган эди. СССР Фанлар академияси билан тузилган битимда ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги кенг қамровли шартномага қандай риоя этилишини самарали контрол қилиш мумкинлигини намойиш этиш кўзда тутилади. Маълумки, Вашингтон шундай шартнома тузишдан ўзининг бош тортаётганлигини айни мазкур шартнома бажарилишини текшириш «қийинлиги» билан изоҳламоқда.

Американлик олим СССРда ўрнатилган сейсмик приборлар Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан барча ядро синовларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорига виждонан риоя этаётганлигини тасдиқлаяпти, деди. У айни вақтда текшириш системаларини вужудга келтириш соҳасида иккала мамлакат олимлари ўртасидаги ҳамкорликка нисбатан Оқ уй эгаллаб турган позициядан ҳафсаласи пир бўлганлигини маълум қилди.



Никарагуанинг қаҳрамон халқи машаққатли кунларни бошдан кечирмоқда. Мамлакат аҳолиси АҚШ империализмининг революцион республикага қарши олиб бораётган эълон қилинмаган оғир уруши машаққатларини мардонаворлик билан енгмоқда.

СУРАТДА: чет эл буюртмачиларига жўнатиш учун тайёрланган пахта тойлари.

АДН—ТАСС фотоси.

### КАЛЕЙДОСКОП

**ОСМОН ВЕЛОСИПЕДИ**

Американинг Калифорния штатида яшовчи Билл Уотсон учун велосипед ёшлигидан энг севимли транспорт воситаси эди. Аммо йиллар ўтиши билан Уотсоннинг икки ғилдиракли дўстига бўлган дунёқараши бирмунча ўзгарди. У кўпчилик ташаббускорлар каби «велосипедни қайта кашф эта бошлади». Ўйлаб-ўйлаб, у «велодирижабль» кашф этди ва уни «Оқ кичкинтой» деб атади. Велодирижаблнинг узунлиги 15 метр, пропеллери велосипеднинг тортиш кучи билан ҳаракатга келтирилади, тезлиги эса соатига 1,5 километр. Албатта унинг тезлиги ҳаракат воситаси сифатида Уотсонни қаноатлантирмайди, аммо у мамнун: баландликдан гўзал манзараларни кузатиш мумкин, машиналар ва пиёдалар эса халақит бермайди. Ўзини «велоаэронавтиканинг отаси» деб ҳисобловчи ихтирочи унинг изидан бормоқчи бўлганлар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашишга ҳамиша тайёр.

**ЕЧИНМАЙ ТОБЛАНАВЕРИНГ**

Одатдан ташқари газламани кашф этган швейцариялик мутахассислар текис ва яхши офтобда тобланиш учун пляжга бориб ўтиришнинг, ҳатто ечинишнинг ҳам ҳожати йўқ, деб ҳисоблашади. Улар яратган полимер газлама ультрабинафша нурларини яхши ўтказади, шу билан бирга терини қуёшда куйишдан ҳимоя қилади.

**УЗОҚ УМР СИРИ**

Франциялик Мари-Селин Мезоннио яқинда ўзининг 110 ёшини нишонлади. У ҳозирги кунда мамлакатнинг энг кекса граждани ҳисобланади. Бундай узоқ умр кўришнинг сири нимада? Мари-Селин ана шу саволга жавоб беришга бирмунча қийналади. Аммо унинг айтишига қараганда бутун умр меҳнат қилган, оила ҳаётида фаол иштирок этган, ҳайвонларни боқишни, телевизор кўришни яхши кўради, ҳеч қачон парҳезга риоя қилмаган, аммо дастурхон устидан бирор марта ҳам қорни тўйиб турмаган.

**СОҒЛОМ ТАНДА...**

ГДР граждани Вольфганг Вивегер ҳайратли даражада рекорд ўрнатди: у 32 минут мобайнида қўлларига таяниб 1.414 марта ётиб-туришга муваффақ бўлди. Аммо Вольфганг спортчи эмас, Бад-Эльстр шаҳрида яшовчи оддий бир олим. Соғлом танда — соғ ақл, деб шуни айтишса керак-да.

**ЕРГА КЎМИЛГАН ҲОЛДА**

Италиянинг Рива-дель-Гарда деган ерида яқинда афсунгар ва сеҳргарларнинг умуммиллий конгресси тугади. Бу конгресс жуда кўп ишқибозларни тўплади. Ҳиндистонлик дарвиш ва йог Кумар афсунгарлар ўртасида ўзига хос ғолиб бўлди. У кўмилган ҳолда ер остида 17 соат вақтни ўтказди. Қазиб олганларидан сўнг у журналистларга шундай деди: «Ҳақиқат бу — ҳақиқат, воқелик бу — воқелик. Сеҳргарлик эса ҳақиқат эмас — кўзбўямачиликдир».

Меҳнатсиз даромадларга — йўл йўқ!

Ҳалол меҳнат — яхши одат,
Берур сенга саодат.
Ўзбек халқ мақоли.

# БЕЛИ ОҒРИМАГАНЛАР

**ЁКИ АЙРИМ ПРОВОДНИКЛАРНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ ХУСУСИДА**

Поездда юрмаган одам бўлмаса керак. Куни кеча чайқовчи қўшнимиз Ойнисанинг ҳам кўзи вагонда ёрибди. Отини Йўлчивой қўярмиш. Чунки йўлда туғилганмишда...

— Э, болам вагонда гап кўп, — дея кулди Мансур бобо. — Партия ва ҳукуматимиз йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида шундай чиройли, шинам вагонларни чиқариб қўйибди. Аммо айрим кишиларнинг бу вагонларни текин даромад манбаига айлантириб олганликлари кишини ачинтиради. Ҳа, биз, тахта вагонларда урушга кетгандик... Мансур бобо шундай деди-ю, оғир бир хўрсинди...

Ҳа, Мансур бобонинг куюнганича бор экан. Яқинда биз бунинг гувоҳи бўлдик...

«Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган халқ нақлини 185-номерли Тошкент — Москва поезди проводниги А. Массабоев ўзига ўзлаштириб олган экан. У «Ётиб қолгунча отиб қол» деб, шахсий бойишга муккасидан кетибди. Ҳар сафар Москвага йўл олганда номаълум шахсларнинг хожатини чиқариб, чойчақа ундирар экан. «Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек бу сафар унинг иши юришмай қолди. 184 килограмм бўлган 8 қути помидорни Актюбинск станциясигача шартлашиб олиб кетаётганида «бели синди». Милиция ходимлари «қонунсиз юк»ни ошкор этдилар. Нафси бузуқ проводникнинг устидан жиноий иш қўзғолди.

Нафс шундай нарсаки, у кишини турли кўйга солар экан. Поезд проводниги Х. Бозоров ўз нафсининг қули бўлди. Унинг миясига фойда орттириш фикри яшиндай урилди. Кун иссиқ эмасми, поездда яхна ичимликларга бўлган талаб ортади. Поездда қаердан олиш мумкин. Шундай биқинида проводник 30 тийинлик лимонадни 1 сўм деб турса, олмайдими, олади. У шу хаёл билан ўзини магазинга урди. Ҳар бири 30 тийинлик 60 шиша «Дюшес» лимонадини, ҳар бири 45 тийинлик 100 шиша «Пепси-кола»ни ўз «хужраси»га яшириб қўйди. Проводникнинг найранги узоққа бормади. Нақ 97 сўм фойда кўраман деб, ўзи «қиммат»га тушди... Шунга айтсалар керак-да, «Бир арпага сотма шараф гавҳарин, тама тўккуси ҳурматинг барин».

«Чиллаки чиллакини кўриб чумак урар» экан. Тама, нафс, бойликка ҳирс кўпчиликни поезд йўлидек тўғри йўлдан оздиради. Натижада бу жиноий ҳаракатлар ташкилий тусга кирди. Чунончи, 141-поезд бошлиғи З. Раҳимов бир группа проводниклар Б. Исмоилов, М. Бозорбоев, О. Қўлдошев, М. Мамадалиев, Т. Ўринбоевларнинг «кўзини очди».

— Саланғлаб у ёқ-бу ёққа бориб келавергунча, у-бу олиб сотсаларинг, чой пули бўлади, — деди кунларнинг бирида З. Раҳимов.

Бу гап қолганларга қанот бағишлади. Бошлиқдан худди шу гапни кутиб турган «палапонлар» қинғир йўл томон чумчуқдай «гурр» этиб учдилар. Туркманистоннинг Лавак станциясидан қарийб 400 килограммга яқин қовун сотиб олишди. Қовунларни йўлда пассажирларга пулламоқчи бўлишди. Бўлишди-ю... Аммо эплашолмади... 756 сўмлик фойдани кўзлаган чайқовчи проводниклар тўғри милиция ходимларига дуч келдилар... «Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, энди суд олдида жавоб беришга тўғри келади.

Маълумки, қаерда интизом бўлмаса ўша ерда жиноятга йўл очилади. Юқоридаги жиноий ишлар бундан мустасно эмас. Шу йилнинг ўтган ярим йиллигида билетсиз пассажир олиб кетаётган проводниклар иши тўғрисида 573 та акт тузилганлиги ҳам фикримиз исботидир. Жами депонинг 45 ишчиси жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу фактлар албатта Тошкент темир йўл бўлинмаси ва унинг 2-вагон депоси раҳбарларидан жойларда қатъий интизом ўрнатишни, тартиббузарларга кескин чора кўришни, қолаверса қайта қуришни ўзларидан бошлашни талаб этади.

**А. ХЎЖАХОНОВ,**
**Тошкент транспорт прокурори, юстиция катта маслаҳатчиси.**

**Т. ТОШЕВ,**
**«Тошкент оқшоми» мухбири.**

# ШАНБА ОҚШОМИ

### Ҳикматнома

## Фароғат гавҳари

✦ Меҳнат завқи баҳодирликка йўллайди.
✦ Машаққат тошлари орасида фароғат гавҳари бор.
✦ Меҳнатдан келган бахт ширин.
✦ Ишсиз кун — бетобликдир.
✦ Ҳаёт оғирликларини қўлнинг ҳаракати юлиб ташлайди.
✦ Ишини ёлчитмаган — ёлчимайди.
✦ Меҳнат — маҳорат ошириғидир.
✦ Меҳнат бахтни вояга етказади.
✦ Сон бошқа, сифат бошқа.
✦ Иш уқувли одамни яхши кўради.
✦ Баҳорда эккан — кузда ўради.
✦ Меҳнатидан элни баҳраманд қилган одам — қадр топади.
✦ Ишлатилмаган кетмон занглайди.
✦ Дангаса — оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юради.
✦ Орзу — меҳнат билан муродига етади.
✦ Меҳнатсиз даромад — хиёнат манбаидир.
✦ Ғурбатнинг кушандаси — меҳнат.
✦ Яшашни яшнатувчи — меҳнатдир.
✦ Дангаса ўз фойдасини кўрганда чаққонлашади.
✦ Иш ҳақидаги билимни ўрганмасдан туриб, уни яхши бажариб бўлмайди.
✦ Ерни гуллатганнинг бахти гуллайди.
✦ Меҳнатнинг зийнати кўп, текиннинг миннати.
✦ Бирни биров беради, кўпни меҳнат.
✦ Одамни такомиллаштирувчи — меҳнатдир.
✦ Асов дарёни меҳнат жиловлайди.
✦ Меҳнатнинг ҳамроҳи — ҳурмат.
✦ Меҳнат — камолотнинг гарови.

## МУҲАББАТ

Муҳаббатхон куйласа,
Диллар яйраб кетади.
Жаранглаган овози
Уфқларга етади.

Қалби билан куйлайди,
Тинглаб ором оламан.
Оҳанграбо, дилрабо
Куйидан лол қоламан.

Қўшиқлари мафтункор,
Дарё каби тошади.
Қалбдан қалбга йўл очиб,
Тоғлар аро ошади.

Алла айтса, Муҳаббат,
Бутун жаҳон, юрт қувнар,
Кўзи шаҳло, шўх қизлар
Даврага тушиб ўйнар.

Темур РАСУЛОВ.

### Бувижон, ўқиб беринг

## ЁШ БОҒБОН СЎЗИ

Митти атиргулларим,
Кўзимга суртай сизни
Қаламчадан ўстирдим
Авайлаб ўзингизни.

Авайлаб танингизни
Чопиб турдим вақтида.
Сизлар қанча ўссангиз
Ёш боғбоннинг бахти-да!

Баҳорда қучоқ-қучоқ
Гуллар тақдим этасиз.
Мен кирсам бағрингизга
Тағин яшнаб кетасиз.

Фатҳиддин УБАЙДУЛЛАЕВ.

## Гўдаклар нигоҳида

Америкалик карикатурачи рассом Чарльз Шульц болалар расмлари услубида ҳам ижод қилади. Уларнинг мазмуни жуда кулгили, ёқимтой ва меҳрибон.

Шульц истеъдодини қадрловчилар кўпинча, нима сабабдан болалар расмларига тақлид қилиш услубини танлаганлигини сўрайдилар. Одатда бундай саволларга рассом қуйидагича жавоб беради: «Кўрасизки, кекса ёшимга қарамай, мен болалигимни жуда яхши хотирлайман ва дунёни болалар кўзи билан кўришни истайман. Ишонинг, бу кўп жиҳатдан қизиқарли, ҳар сафар мен ўзим учун қандайдир янгилик очаман. Фақатгина болалар учун чизади деб, нотўғри ўйлайдилар, ҳеч бундай эмас. Кўплаб расмларни мен бир вақтнинг ўзида ота-оналарни ҳам ҳисобга олган ҳолда бунёд этаман. Уларга ўз болаларидан: соддалик, самимият, ажойиб оламдан ҳайратланиш ва қувониш кабиларни ўрганиб олишлари фойдадан ҳоли эмас».

### Бу — қизиқ

## ҚИЗИЛ ВЕЛОСИПЕДЛИ ТУРИСТЛАР

Женева муниципалитети шаҳарнинг лёв юриладиган ерида туристлар учун 150 та велосипед ажратган. Қип-қизил рангга бўялган бу велосипедлардан текинга, фақат туристлар фойдаланишлари мумкин.

Велосипедли турист шаҳар кўчаларини, унинг атрофини ва диққатга сазовор бўлган ёдгорликларини кўриб қайтгач, яна велосипедини олган жойига келтириб қўяди.

## Болалар сўзлаганда

**МУШАК**

Нозимжон дадасидан ҳайратланиб сўради:

— Дада сабзи ҳам осмонга отилганда гумбурлаб, ундан ҳар хил юлдузлар чиқадими-а?

— Йўқ, нега ундай деяпсан?

— Боя ойимлар сабзи артаётганларида-чи, «мушак» экан дедилар-ку...

**ЭҲТИЁТКОР**

Ўқитувчи ўқувчига деди:
— Нима учун сен диктантда «пойабзал ва пойафзал» деб ёздинг?

— Ўнг ва чап оёқникилиги адашиб кетмаслиги учун...

**БИЛМАГАН ЎҒИЛ, НОДОН ОТА**

Кечки овқатдан сўнг ота ўғлининг хомушлигини кўриб сўради:

— Хафароқ кўринасан, ўқишлар қандай кетяпти?

— Яхши эмас, бугун география ўқитувчимиз «Волга» қаерда?» деб сўраган эдилар, мен эрталаб гаражимизда турганди, дадамлар миниб кетган бўлсалар керак дедим.

— Хўш, кейин-чи?

— Болалар «гурр» этиб кулиб юборишди. Ўқитувчимиз, дарс тайёрлаш керак, дедилар-да, ёмон баҳо қўйдилар.

— Ундай бўлса ота ўғил, сира хафа бўлиб ўтирма, эртага мактабингга «Волга»-да олиб бораман, ўшанда ўқитувчингга кўрсатасан-қўясан.

Фозилжон ОРИПОВ.



Куз келиб йўлларга барглардан поёндоз ёзилди.

В. Таматаев фотоэтюди.

### Келинг, бир кулишайлик

## ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

**Пойафзал ишлаб чиқарувчи фирманинг иккита агенти бор эди. Улардан бири тор фикрлаши туфайли умидсизликка тез берилувчан, бурнининг остидан нарини кўролмайдиган бўлса, иккинчиси, аксинча, ҳамиша келажакка ишонч билан қарайдиган, кўтаринки кайфиятини йўқотмасдан «йўқни йўндирадиган»лар хилидан эди. Шеф ҳар икковини янги бозор қидириш, иложи бўлса филиал қуриш учун жой топиш учун Африкага юборди.**

**Орадан ҳафта ўтгач ланж табиатли агентдан қуйидагича телеграмма келди: «Бу ерда бизнинг қиладиган ишимиз йўқ. Чунки, ҳамма ялангоёқ юрар экан».**

**Худди шу куни иккинчи агентдан ҳам телеграмма келди: «Фаолият учун ҳудудсиз кенгликларни кўрмоқдаман. Бу ерда ҳеч кимнинг оёқ кийими йўқ экан».**

## ГУЛЧИ БОБО ОРЗУСИ

(Этюд)

**Субҳидам. Ғир-ғир эсган шамол турфа гуллар япроғини силаб-сийпалаб чор атрофга ёқимли ҳид таратади. Эрта тонг қўшиғини куйлаётган қушчалар шохдан-шохга қўниб қанотларини қоқади-да, дилларни яйратиб роз айтади. Шу қушчалар навоси билан борлиқ уйғонади. Тонг шаббодасида оҳиста тебранаётган турли-туман анвойи гуллар эса субҳидамда гулзорга — боққа қадам ранжида қилган соҳиби боғбонни: «Эрта тонг билан... гулзорга марҳабо!..» деб қарши олаётгандек бўлади.**

**Қодир боғбон гул шайдоси. У ўз боғи-роғини ҳар тонг бир бор размлаб чиқади. Соҳиби боғбон бир кечада боғда нималар содир бўлганини дарҳол илғаб олади. Гулнинг қайси бир новдасини қирқиб олиш керагу, қайси бирини парвариш қилиш кераклигини хаёлидан ўтказади. Қаровсиз, парваришсиз боғ боғ бўладими? Ўзи экиб, ўзи кўкартирган гулларнинг сумбатини кўриб, чаросдек бўлиб очилишидан қувонади.**

**Ҳа, бизнинг Қодир бобо ана шундай боғбонлардан. Субҳидамда туриб боғ айланади. Гулу-райҳонлар ҳидидан баҳра олади. Мана у бугун ҳам боғ айланиб, юмушларини чамалаб қўйди. Қодир боғбоннинг яхши бир одати бор. Ҳар тонг чаман-чаман очилган гуллардан териб, гулдасталар ясайди. У бу гулларни боғ атрофидаги йўлдан ўтаётган ёшиқарига улашади. Шу боис ҳам боғ атрофидан ўтувчилар кўп. Баъзан бобонинг одатини билмаганлар чўнтак кавлайди. Бобо бу ҳолни кўриб: «Уят бўлади-я, гулни ҳам сотадими?..» дейди, Йўловчи хижолатдан қизариб: «Раҳмат, бобо!» дея миннатдор бўлиб кетади.**

**Қодир боғбонни тошкентликларнинг кўпчилиги яхши билади. У урушда қатнашган. Ҳаётнинг жуда кўп қийинчиликларини ўз бошидан кечирган. Гулнинг қадрини билади. У қарийб эллик йилдирки, шаҳар хиёбонларида боғбонлик қилади. Ота менга дил розини айтди:**

**— Боғбонлик менга ота мерос, — дейди у шойи гуллардан бирини ҳидлаб туриб. — Гулзордан баҳра олмаган одам одамми? Эл-юрт омон бўлсин, дунё тинч бўлсин...**

**Қодир бобо оппоқ соқолларини селкиллатиб яна гулзор оралиб кетди. У яна кўплаб одамларга гуллар совға этади. Бу унинг одати. Яна у бир қучоқ гул кўтариб чиқаяпти. Гул — шодлик, тинчлик, бахт рамзи деб дилим яйраб, кўнглим хушнуд бўлиб кетади.**

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ, табиатшунос.

### Бу фильмни кўрдингизми?



## «Олтин лангар»лик бармен

Максим Горький номидаги киностудияда суратга олинган мазкур картина томошабинларни маънавий ахлоқ принциплари, гражданлик бурчи каби тушунчалар ҳақида ўйлашга ундайди. Фильм марказида асосан Николай Зверев образи туради. У «Олтин лангар» деган порт ресторанининг бармени (бар сотувчиси) сифатида хизмат қилади. Николай ишбилармон, эпчил йигит. Дилни сиёҳ қилувчи баъзи вазиятларга йўл қўймаслик учун қаҳрамонимиз контрабанда, валюта каби нарсалар билан алоқа қилмайди. Шундай бўлсада, шахсий машинаси, дабдабали квартираси, қимматбаҳо аппаратуралари бор. Бироқ мана шу «чиройли ҳаёт»га бўлган интилиш, одат оқибат-натижада Марказий разведка бошқармаси томонидан уюштирилган қўпорувчилик ишларда ўзи англамаган ҳолда иштирок этишга олиб боради.

Бош қаҳрамон Николай Зверев образини таниқли актёр ва кинорежиссёр Евгений Герасимов талқин этган. У ўттиздан зиёд фильмларда иштирок этган бўлиб, улар орасида «Қотилликда айбланади» (Саша Шчетинин), «Петровка, 38» (Россияков), «Резидентнинг қайтиши» (Кузнецов), «Беш минут қўрқувда» (Бугаев) каби картиналар бор. Шунингдек «Олтин лангар»лик бармен» бадиий фильмида Андрей Ростоцкий (офицер Андрей Корецкий), Татьяна Догилева (Анна), Наталья Вавилова (Елена Зверева), Альгис Матуленис (Паттерсон) сингари санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишган. Картина сценарийси кинодраматург Ярослав Филиппов қаламига мансуб. У томошабинларга «Аччиқ данак», «Ёдингдами», «Семен Дежнев» фильмлари орқали яхши таниш. Киноасар режиссёри Виктор Живолуб эса бизга «Отиш ҳуқуқи», «Казаклар заставаси», «Тириклайин қўлга олиш буюрилган» каби фильмлар ижодкори сифатида маълум.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТДА: фильмдан кадр.

### Турмуш чорраҳаларида

## БАШАРАСИГА ТУШДИ

Мухторхон ишхонага эланқаланг кириб келганида шериги аллақачон иш бошлаб юборган экан.

— Салом, Эргашвой, — деди у шляпасини қозиққа ила туриб. — Бир оз кечикдик-да... Иш қилиб ҳеч ким йўқлагани йўқми?

— Хотиржам бўлинг, ҳеч ким йўқлагани йўқ, — деди Эргашвой.

— Шундай бўлиши турган гап. Ўзи кимга ҳам керагим бор, — деди у норози оҳангда, кейин қўлини пахса қилиб Эргашга узатаркан, сўрашди:

— Аҳволлар қалай, яхшими?

— Чакки эмас, ўзларидан сўрасак? — деди Эргаш.

Шу аҳволда улар ҳол-аҳвол сўраша кетишди, ҳазил-ҳузул қилишди.

— Бас, шунча кулишганимиз ҳам етар, — деди Эргаш. — Энди бир оз ўтириб ишлайлик.

— Қизиқмисиз, Эргашвой, — деди Мухторхон. — Иш бўри эмас. Ўрмонга қочиб кетмайди. Ахир, бўладида...

Эргаш ишга ўтирди. Мухторхон ҳам ноилож иш бошлади. Бир оздан кейин уф тортиб, ўрнидан турди-да, секингина эшикдан чиқиб кетди. У шу кетганча тушки овқатдан кечикиб қайтиб келди-да, Эргашга деди:

— Бир оз кечикдик-да... Иш қилиб ҳеч кимса йўқламадими?

— Бу сафар йўқлади.

— Ким экан ўша хумса?

— Бўлим бошлиғи. Келган заҳоти менга учрашсин, деган эди.

Мухторхон хонадан тўнғиллаб чиқиб кетди. Орадан беш-ўн минут ўтгач, бошлиқ олдидан сувга бўккан мушукдек юввошгина тортиб, қайтиб келди.

— Нима гап экан? —сўради Эргаш.

— Ҳа, нима бўларди, — деди пинагини бузмай Мухторхон. — Кўринмайсиз, дейди... Эрталабдан бери ишлаб ётибман, дедим. Энди ташқарига ҳам сўраб бориш керакка ўхшаб қолди.

Эргаш ҳеч нима демай ишини давом эттирди.

«Дами ичига тушиб кетди. Бундан чиқди, сотган экан, — деб кўнглидан ўтказди Мухторхон. — Барибир, қўлидан ҳеч нарса келмайди. Ўзининг шумшук бўлгани қолади, холос. Билиб билмасликка олиб юраверганим маъқул».

Мухторхон шундай хаёллар билан ишга ўтирди. Аммо узоқ ишламади. Ярим соат ўтар-ўтмас ўрнидан туриб чиқиб кетди. У шу кетганича иш соати тугашига яқин жилмайиб кириб келди.

— Ҳорманг, Эргашвой? Қалай, бизни йўқлаган биронта махлуқ бўлмадими? — деди у.

— Ҳа, бўлди.

— Ким экан ўша махлуқ?

— Дадангиз...

Мухторхоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Турган ерида ҳайкалдек қотиб қолди.

— Уйга меҳмон келадиган бўлиб қолди. Уёқ-буёққа айланишиб юрмай, ишдан чиқиб, тўғри уйга борсин, деб кетдилар.

Бу гаплар Мухторхоннинг қулоғига чала эшитилди. У аранг:

— А, шунақами? — деб қўйди.

Ўзидан кўрсин: бошлиқни айблайман деб, отасини махлуқ деб юборгандек эди. Осмонга тупурма, башарангга тушади, деб шуни айтадилар-да.

Ҳабиб ПЎЛАТОВ.

## ИЛТИМОС

ИНТЕРМЕДИЯ

**Идора бошлиғининг кабинети. У нимадир ўқиш билан банд. Шу пайт Мамадали ҳовлиққанча кириб келади.**

МАМАДАЛИ. — Салом, Қарши Чориевич!

БОШЛИҚ. — Салом. Хўш хизмат?

МАМАДАЛИ. — Боя келсам банд экансиз. Сиздан... мени кечирасиз... ҳалигидай... менга...

БОШЛИҚ. — Менга қаранг! Эрталабданоқ ҳалигидаймисиз?

МАМАДАЛИ. — Э-э, йўқ... кечирасиз, кеча уйимга меҳмон келганди.

БОШЛИҚ. — Демак, бош оғрияпти, денг.

МАМАДАЛИ. — Ўзингиздан қолар гап йўқ. Баъзан, кутилмаганда бўп қолади-да. Илтимосим шуки, бугун қайнонамизнинг туғилган кунлари, янгангиз билан уларникига бормоқчи эдик.

БОШЛИҚ. — Она учун на чора. Менга қаранг, яна бўкканча-а?

МАМАДАЛИ. — Асло, илтимос ишонаверинг.

БОШЛИҚ. — Бундай илтимослар биринчиси ва охиргиси бўлсин. Меҳнат интизоми ҳамма учун баббараварлиги ёдда бўлсин-а!

МАМАДАЛИ. — Шундай бўлади **(у чиқиб кетиши билан хонага Латиф киради).**

ЛАТИФ. — Мумкинми, Қарши ака?

БОШЛИҚ. — Марҳамат. Намунча бошингизни ушлайвермасангиз. Ўтиринг. Кўринишингиз ҳам дурустмас. Ҳайрон бўлиб қолдим, бу ҳаммаларинг иш вақтида ичиб юрасизларми?

ЛАТИФ. — Ундай эмас, Қарши Чориевич. Сўрашингиз мумкин, мен умуман ичмайман ҳам, чекмайман ҳам.

БОШЛИҚ. — Ундай бўлса, ҳа деб уф тортишингизнинг сабабини тушунтириб беринг.

ЛАТИФ. — Кўнгилсиз воқеа. Кеча акамларнинг қайнотаси томдан йиқилиб касалхонага тушибди. Шунга...

БОШЛИҚ. Ундай бўлса сизга ҳам рухсат. **(Шу пайт Бозор киради).**

БОЗОР. — Минг бор узр, Қарши Чориевич. Коймасангиз дардимни айтмоқчиман.

БОШЛИҚ. — Қулоғим сизда.

БОЗОР. — Неварам, Носир бетобланиб қолди. Иситмаси баланд. Врачга олиб бормоқчи эдим.

БОШЛИҚ. — Жавоб сўрашга кирдингиз. Шундайми. Невараларингизнинг ота-онаси борми?

БОЗОР. — Бор. Бироқ уларнинг ишдан қўллари тегмайдида.

БОШЛИҚ. — Шундай денг. Уларнинг ишхоналарида меҳнат интизоми жуда қаттиқ экан-да! Нима сиз бекорчимисиз, ёки ишхонангиз бедарвозами. Болани ота-онасига қўйиб беринг. Боринг...

БОЗОР. — Раҳмат. **(Бошлиқ қўнғироқ босади, секретарь қиз киради).**

ЖАМИЛА. — Эшитаман, Қарши Чориевич.

БОШЛИҚ. — Маҳаллий комитет раисини таклиф этинг.

МЕЛИ. — Сўраган экансиз, хизмат?

БОШЛИҚ. — Одамларга тушуна олмай қолдим, булар ишлагани келишадими ёки жавоб сўрашганими? Меҳнат интизомини турли баҳоналар билан бузувчилардан маҳаллий комитетнинг ҳам хабари борми?

МЕЛИ. — Бор, уларни ҳамма билади. Айниқса Бозор дегани бор, ишга сира тоби йўқ, баҳона устига баҳона.

БОШЛИҚ. — Ҳозиргина жавоб сўраб кирувди.

МЕЛИ. — Илтимосини қондирдингизми?

БОШЛИҚ. — Баҳоналарингизни қўйинг, ишингизни қилинг, бўпти боринг, дедим.

МЕЛИ. — Мана шу «бўпти» деганингизни у жавоб деб тушунади. Ҳойнаҳой кетган бўлса керак...

БОШЛИҚ. — Йўғ-е. Наҳотки шундай деб тушунса.

МЕЛИ. — Ишонаверинг. Бу сафар набирасини баҳона қилибди-ку, у шунақаки, қўшниларидан биронтасининг уйига меҳмон келиб қолгудай бўлса ҳам рухсат сўрайди. Бу ноинсофни қарангки, бир куни аввалги бошлиқнинг олдига кириб: **«Хўжайин, жавоб бермасангиз бўлмайди»,** деб туриб олибди. Бошлиқ: **«Очиғини айтинг, нима бўлди ўзи!»** деб сўраса **«Сигиримиз бузоқловди, уйда унга қарайдиган одам йўқ, эди»** депти. Роса кулишади). Унинг «одамгарчилигини» айтмайсизми, борди-ю, бирор нотаниш киши илтимос қилгудай бўлса-да, ундан бирор нарса илинжида лўкиллаганча келаверади.

БОШЛИҚ. — Қани, билайлик-чи. **(Бозорни чақириб келишга Жамила юборилади).**

ЖАМИЛА. — Қарши Чориевич, хонадагиларга мен бошлиқдан жавоб олдим, деб кетибди.

БОШЛИҚ. — Менга қаранг, маҳаллий комитет нима қиляпти. Бундайларни ишдан ҳайдаш керак, ахир. Меҳнат интизоми масаласи кун тартибига қўйилганми ўзи?

МЕЛИ. — Бир неча марта эрталаб, тушликда, кечки пайт текширдик.

БОШЛИҚ. — Хўш, интизомсизларга чора кўрилдими?

МЕЛИ. — Очиғини айтганда, уларни ишдан ҳайдаш керак деган масала қўйилганида олдинги бошлиғимиз унамадилар. Билсак улардан ҳар бирига ҳомийлик қилувчилари бормиш...

БОШЛИҚ. — Биз буйруқ билан уларни ишдан ҳайдаймиз. Мажлисларингда муҳокама қилиб маъмурият буйруғини тасдиқлайсизлар. Ҳомийлик қилувчилар билан тегишли жойда қонун билан гаплашиб қўямиз. Меҳнат интизоми барча учун баббаравар. Ялқов ва ишёқмасларга жамиятимизда ўрин йўқ.

Тожибой УНАБОЕВ.

## ТУРФА ОЛАМ

### КОМПЬЮТЕР ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Берлиндаги уй-жойларни алмаштириш хизмати иш самарадорлиги компьютер эгаси бўлганидан сўнг сезиларли даражада ошди. Замонавий техникани қўллаш туфайли фақат шу йилнинг ўзида манфаатдор шахсларга уй-жойларни алмаштириш ҳақида қарийб 54 мингта таклиф жўнатилди.

Ана шу хизмат ёрдамидан фойдаланиш истагини билдирган Берлиннинг ҳар бир аҳолиси махсус карточкани тўлдириши лозим. Карточкада у қайси районда, қайси қаватда истиқомат қилишни исташини, квартиранинг қандай шинамликларга эга бўлишини ва ҳоказо маълумотларни қайд этади. Албатта, ўзи яшаб турган уй ҳақидаги маълумотларни ҳам келтиради. Қулай вариантни танлаш бўйича икир-чикир ишларнинг ҳаммасини компьютер ўз зиммасига олади. Агарда унинг ихтиёрида бўлган ва мижоз истагига тўғри келадиган квартира бўлса у дарҳол ана шу ҳақда квартира алмаштирмоқчи бўлган кишига хабар қилади. ЭҲМ ёрдамида фақат шу йилнинг ўзида Германия Демократик Республикаси пойтахтида мингдан зиёд квартира алмаштирилди.

### КАПИТАН КУК СОВҒАСИ

Машҳур капитан Жеймс Кук 1973 йилда Тонга давлатининг қиролига совға қилган ва узоқ яшаш бўйича рекорд ўрнатган тошбақа 1966 йилда оламдан ўтган. Аммо у чиндан ҳам Кук совға қилган тошбақами, ёки икки асрдан зиёд вақт ичида уни бошқа тошбақага алмаштириб қўйишганми — аниғини ҳеч ким билмайди.



### ТИКУВЧИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Яқинда Неаполитан мафиясига қарши ўтказилган йирик операция вақтида полициячилар тикувчи Бенито Романони ҳибсга олишди. Бу тикувчи банкларни ўмармаган, одамларни ўғирламаган, наркотиклар билан савдо қилмаган. Аммо унинг ательесида мафиозлар ўзларига керак бўлган кийим-кечакларни тиктиришган. Маълум бўлишича бу ерда энг сўнгги мода бўйича костюмлар, фраклар, кўйлаклargina тикилган эмас экан. Романо айниқса... полициячилар мундирини тикишга устаси фаранг экан.

### ПОЧТА «ХИЗМАТЧИЛАРИ»

«Русские ведомости» газетаси 1883 йилда шундай деб хабар қилган эди: «Қўшма Штатларда почта хизмати кўрсатувчи ходимларнинг сафида мамлакатнинг турли бюроларига тақсимланган, вазифаси хат ва хабарлар солинган қопларни каламуш ва сичқонлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлган мингдан зиёд мушук борлигини кўпчилик билмаса керак. Бу қўриқчи мушуклар хизмати озиқ-овқат ва бошпана билан тақдирланган. Бюджетда уларнинг сони ҳам қайд этиб борилган. Агарда бирор бюрода мушук болаласа почталар директори ана шу воқеа ҳақида расмий равишда хабардор қилинар ва янги туғилган «хизматчи» эҳтиёжи учун бюджетга маблағ қўшилиши сўраб мурожаат қилинарди».



### АНЪАНАГА ХИЛОФ РАВИШДА

Маълум бўлишича, «туманли Альбион» аҳолиси кўпчилик тахмин қилганидек кўп чой ичмас экан. Уларнинг аксарияти кофени маъқул кўрар экан. Статистика 1961 йилдан бери Англияда чой истеъмол қилиш 40 процентга камайди, деб таъкидлайди. Ана шу давр ичида кофе истеъмол қилувчилар сони қарийб уч баравар ошган.



